

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**АЛМАНОВ ТОҲИР ТОЖИЕВИЧ**

**ҚАМАШИ ТУМАНИ МИРЗАДАЛА ҚИЎЛОҒИ АТРОФИ ФЛОРАСИ ВА УЛАРНИ  
МАКТАБЛАРДА БОТАНИКА ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАШ**

## **МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

Ботаника фанлари доктори  
А.С.Юлдашев

**ТОШКЕНТ – 2012**

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                     |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                   | <b>3</b>  |
| <b>I Боб</b> Қамаши тумани Мирзадала қишлоғининг қисқача физик-географи<br>тавсифи.....                             | <b>6</b>  |
| <b>II Боб</b> Асосий қисм.....                                                                                      | <b>8</b>  |
| <b>2.1</b> Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар<br>рўйхати.....                            | <b>8</b>  |
| <b>2.2</b> Қамаши тумани Мирзадали қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар<br>ботаник таснифи.....                    | <b>12</b> |
| <b>III Боб</b> Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи атрофиза тарқалган<br>ўсимликларнинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти..... | <b>47</b> |
| <b>IV Боб</b> Тадқиқод натижасида олинган илмий маълумотларни<br>мактабларда ботаника адрсларида қўллаш.....        | <b>49</b> |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                                  | <b>51</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>                                                                                | <b>52</b> |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистон табиати ўзининг гўзалликлари хавоси, тупроғи ва суви билан алоҳида ажралиб туради.шунинг учун ҳам унинг ўсимликлари дунёси ғоят бой, ранг-баранг бўлиб, 4500 дан ортиқ ёввойи ўсимликлар турлари ўсади.бу ўсимликларнинг барчаси табиий ва инсон учун жуда зарурдир.

Ўсимликлар тирик табиатга киради ва тирик организмларнинг барча хоссаларига эга бўлади: улар озикланади, ўсади, кўпаяди, таъсуротни қабул қилади, ҳаракатланади, уларда моддалар алмашинуви содир бўлади ва ниҳоят nobud бўлади.

Ўсимликлар ер шарининг ҳамма жойида учрайди: улар фақат қуруқликларда эмас балки дарёлар, кўллар, денгизлар ва океанларда ҳам тарқалган.

Ўсимликлар ер юзасида содир бўладиган жараёнларда жуда катта рол ўйнайди. Яшир ўсимликлар атмосферада карбонат ангидриддан ва тупроқдаги сувдан фойдаланиб, ёрухлик энергиясиёрдамида органик моддалар ҳосил қилади, бу моддалар ўсимликлар, одам ва ҳайвонларнинг ҳаёт кечириши учун база ҳисобланади.

Ўсимликлар инсон учун фақат озиқ-овқат бўлибгина қолмай балки ундан қурилиш материаллари ниҳоятда қилма-қил дори дари-дармонлар саноат учун эса хом-ашё сифатида ва кийим кечак тайёрлашда фойдаланилади. Кўхна табиат маҳсули бўлиш ўсимликлар дунёси инсонларни кийинтириши, ноз-неъматлари билан эстетик завқ бериши билангина эмас, эволюция жараёнида ўзида мужассамлаштирган ички дунёси ақил бовар қилмайдиган биологик хусусиятлари, хусусан йирик гул ва мевалари, салобатли шох-шаббаси, умир боқишлиги ҳайвонлар сингари тирик мавжудодлар билан озикланиши, келгуси насилларни ўз боғларида вояга етказиб мустақил ҳаётга йўлланма бериши каби ирсий белгилари билан ҳам неча асирлардан бери ўзига ром этиб келади.

Ер юзасида ўсимлик учрамайдиган маскан кам топилади десак муболага бўлмайди. У океан ва денгизларда, дарё ва кўлларда, кисасиз жазирама чўлу саҳроларда, қояларда ва ғорларда, қир-адарларда буюк тоғ ва яйловларда гўзал боғларда шунингдек ҳар бир хонадонда ҳам топилади.

Инсоният ер юзида пайдо бўлибдики ўсимликлардан фойдаланиб келинган. Ўсимликларнинг инсон ҳайтидаги аҳамияти бизга жуда қадим замонлардан маълум.

Менинг малакавий битирув ишим учун мавзу қилиб, Қамашу тумани Мирзодалар қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларни ҳар томонлама ўрганишда мактабларда ҳамда факультатив машғулотларни ташкил қилишда қишлоғимиз флорасини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдим.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Асосий мақсадимиз Қамашу тумани Мизадала қишлоғи ўсимликлари флорасини ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг ҳисоб-китобини (инвентаризациясини) ўтказишдан иборат.

**Текширишни материаллари ва методи:** Материаллар асосан 2010-2011 йил сентябр-октябр ойида малакавий битирув иши амалиёти вақтида йиғилган шахсий гербариялардан ҳамда “Ботаника ва ўсимликлар физиологияси” кафедрасидан сақланаётган гербарий материалларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот вазифалари:**

- Мирзодала қишлоғи атрофларидан гербарий материалларини тўплаш;
- Мавжуд ўсимликларини таксономик таҳлил қилиш ва флористик таркибини аниқлаш;
- Аниқланган ўсимликларга ботаник тавсиф бериш;
- Ҳаётий шаклларига кўра гуруҳларга ажратиш;
- Ўрганилган ўсимликларни халқ хўжалигидаги аҳамиятига кўра таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг илмий услублари:**

- Гербарий йиғиш, қуритиш ва этикеткалаш умумий қабул қилинган қоидалар бўйича олиб борилди;

- Ўсимлик турларини аниқлаш учун ўбек ва рус тилида ёзилган аниқлагичлари ва “Флора Узбекистана” 6 томли китобларидан фойдаланилди;
- Турларининг лотинча номлари “Определитель растений Средней Азии” 10 томли китоб, ҳамда Черепанов маълумотлари бўйича берилди;
- Ҳаётий шакллар бўйича ва амалий аҳамияти бўйича гуруҳларга бўлиш учун илмий адабиётлар ва интернет манбаларидан фойдаланилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги:**

- Қашқадарё худудида олиб борилган ботаник тадқиқотлар умумий характерга эга бўлиб, уларда Мирзадала флораси алоҳида ўрганилмаган;
- Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, Мирзадала қишлоғи атрофида ўсадиган ўсимликлар флораси илк бор ўрганилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

## **Қамаши тумани Мирзадала қишлоғининг қисқача физик-географик тавсифи**

Қамаши тумани Қашқадарё вилоятидаги туман. 1937 йил 29 сентябрда ташкил топган 1962 йил 24 декабрда Қарши туманига қўшилган 1969 йил 31 декабрда яна қайтадан ташкил этилган. Шимолдан Чирокчи, Яккабоғ Шахрисабз туманлари, ғарбдан Косон тумани, жанубдан Ғузор, Дехқонобод туманлари, шарқдан Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани билан чегарадош.

Майдони 2,66 минг км. Аҳолиси 1,91, 4 минг киши (2005). Туманда 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Ёртепа, Жонбўзсоё, Кўкбулоқ, Лайлаксой, Оқравот, Тўқбой, Чим, Қамай, Қизилтепа, Қорабоғ) бор. Маркази- Қамаши.

Табиати-туман худуди ғарбдан шарқга 150 км га чўзилган, шимолдан жанубга 40-45 км га чўзилган. Худуднинг ғарбий қисми релефи, асосан текисликдан иборат. Умумий майдонининг  $\frac{1}{4}$  қарши дашти эгаллаган. Туман релефи шарқга томон кўтарилиб боради. Текисликлар қир адирлар, сўнгра паст ва баландроқ тоғлар алмашинуви келади. Хисор тизмасининг жанубий ғарбий тармоқларидан бўлган Чақчар тоғи вилоятдаги энг баланд тоғ бўлиб (Катта Хуросон, асли катта харсанг чўққиси 3749 м). Қашқадарё ҳавзасини Сурхондарё хавзасидан ажратиб туради. Туманда қазилма бойликлардан- турли хил қурилиш материаллари мавжуд. Қашқадарё туманинг энг ғарбий текислик қисмида 30 км масофадан оқиб ўтади ва унинг ирмоғи Лангар асосий сув манбаларидир. Қашқадарё хавзасига кирувчи Яккабоғ дарё ва Ғусор дарёнинг юқори қисмлари ( Қизилдарё, Турнасой, Каттаўрадарё) ҳам туман худудидан сув олади. Қашқадарё вилоятидаги энг йирк чимқўрғон сув омбори туман худудида жойлашган. Хўталикларни сув билан таъминловчи ариқ ва каналлар ( чим, жанбуз, таёқли, сатанак) шу сув омборидан бошланади. Иқлими континентал. Ўртача йиллик тем С га 7,2С. Январ ойининг ўртача температураси – 4,6С, июлники 20,1С Вештация даврида текислик қисмида 240 кун. Тоғлиқ қисмларида 200 кун. Йиллик ёғин 327мм дан 612мм гача тоғлиқ қисмда. Тупроқлари ҳам текисликдан тоғларга томон

Ўзгариб боради типик бўз тупроқ; дарё водийларида ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

Турли хил эфемероидлар-кўнғирбош, ялтирбош, нўхатак, лолақизғалдоқ, шунингдек, новрак, бўғдойиқ, оққурой, қорамуруч, янтоқ, қизилмия, юлғун, тол, арча, заранг, писта, бодом, дўлана, итбурун катрапғи, ёввойи олча, ёнғоқ ва бошқалар ўсади. Тулки, қуён, қобон, тоғ айғири, кийик, бўрсик, жайра, каламуш, сичқон турли хил захарли илонлар, парандалардан каклик ва бошқалар.

Аҳолиси: асосан ўзбеклар, шунингдек тожик, рус, татар ва бошқа миллат вақллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 33,6 минг киши, қишлоқ аҳлиси 157,8 минг киши (2005)

Хўжалиги: Туманда 3,5 мингга яқин корхона, жумладан саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш ва хаказо.

**Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи**  
**атрофида тарқалган ўсимликлар рўйхати.**

| №  | Оила                               | Туркум                     | Тур                                                                                                       | Ҳаётий шакли                             |
|----|------------------------------------|----------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|
| 1. | Pinaceae-<br>Қарағайдошлар         | Pinus- Қарағай             | Pinus silvestrus-<br>Оддий қарағай                                                                        | Дарахт                                   |
| 2. | Cupressaceae-<br>Сарвдошлар        | Juniperus-<br>Арча         | Juniperus<br>turkistanica-<br>Туркистон<br>арчаси<br><br>Juniperus<br>seravshanica-<br>Зарафшон<br>арчаси | Дарахт<br><br>Дарахт                     |
| 3. | Berberidaceae-<br>Зиркдошлар       | Berberis-Зирк              | Berberis ablongo-<br>Қора зирк                                                                            | Бута                                     |
| 4. | Amaranthaceae<br>Гултожихўрозлар   | Amaranthus<br>Гултожихўроз | Amaranthus reteo<br>flexus-<br>Қайрилган<br>гултожихўроз                                                  | Бир йиллик<br>ўт                         |
| 5. | Chenopodiaceae<br>Шўрадошлар       | Chenopodium-<br>Шўра       | Chenopodium<br>soliosum-<br>Сербарг шўра<br><br>Chenopodium<br>chubrum-<br>Қизғиш шўра                    | Бир йиллик<br>ўт<br><br>Бир йиллик<br>ўт |
| 6. | Caryophyllaceae-<br>Чиннигулдошлар | Dianthus-<br>Чиннигул      | Dianthus<br>tetralapis-<br>Тўрттангачали<br>чиннигул                                                      | Кўп йиллик<br>ўт                         |
| 7. | Polygonaceae                       | Rumex                      | Rumex crispus-                                                                                            | Кўп йиллик                               |

|     |                               |                                                   |                                                                                                |                                          |
|-----|-------------------------------|---------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|
|     | Тарондошлар                   | Откулоқ<br><br>Rumex<br>Ровоч                     | Жингалак<br>откулоқ<br>Rheum<br>maximowiczii-<br>Максимович<br>ровочи                          | ўт<br><br>Кўп йиллик<br>ўт               |
| 8.  | Platanaceae<br>Чинордошлар    | Pleatanus<br>Чинор                                | Platanus arintalis<br>Шарқ чинори                                                              | Дарахт                                   |
| 9.  | Juglandaceae<br>Ёнғокдошлар   | Juglans<br>Ёнғок                                  | Juglans regia<br>оддий ёнғок                                                                   | Дарахт                                   |
| 10. | Hypericaceae<br>Далачойдошлар | Hypericum<br>Далачой                              | Hypericum<br>perforatum<br>Тешик чойўт                                                         | Кўп йиллик<br>ўт                         |
| 11. | Salicaceae<br>Толдошлар       | Salix- Тол<br><br>Populus-Терак                   | Salix babylonica<br>Мажнунтол<br>Populus alba<br>Оқ терак                                      | Дарахт<br><br>Дарахт                     |
| 12. | Tamaricaceae<br>Юлғундошлар   | Tamarix-Юлғун                                     | Tamarix<br>arcenthoides<br>Арчасимон<br>юлғун                                                  | Бута                                     |
| 13. | Capparaceae<br>Қовулдошлар    | Capparis- Қовул                                   | Capparis spinose-<br>Тиканли қовул                                                             | Кўп йиллик<br>ўт                         |
| 14. | Brassicaceae<br>Карамдошлар   | Capsella-<br>Жағ-жағ<br><br>Candaria-<br>Боятирик | Capsella bursa<br>pastarix -<br>Оддий жағ-жағ<br><br>Candaria repens-<br>Ўрмаловчи<br>боятирик | Бир йиллик<br>ўт<br><br>Кўп йиллик<br>ўт |
| 15. | Malvaceae<br>Гулхайридошлар   | O. Malva<br>Туғмагул<br><br>Althaea-<br>Гулхайри  | Malva neglecta<br>Бефарқ туғмагул<br>Althaea<br>officinalis-<br>Доривор<br>гулхайри            | Бир йиллик<br>ўт<br><br>Кўп йиллик<br>ўт |
| 16. | Ulmaceae<br>Қайрағочлошлар    | Ulmus<br>Қайрағоч                                 | Ulmus densa<br>Сада қайрағоч                                                                   | Дарахт                                   |
| 17. | Moraceae<br>Тутдошлар         | Morus- Тут                                        | Morus alba -<br>Оқ тут, балхи<br>тут.<br>Morus nigra-<br>Шотут, шохтут                         | Дарахт<br><br>Дарахт                     |

|     |                                    |                                                  |                                                                                                                 |                                           |
|-----|------------------------------------|--------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|
| 18. | Thymeliaceae<br>Келинсупургидошлар | Dianthron<br>Келинсупурги                        | Dianthron<br>vesiculosum-<br>Пуфакли<br>келинсупурги                                                            | Бир йиллик<br>ўт                          |
| 19. | Rosaceae<br>Раънодошлар            | Rosa- Наъматак<br><br>Crataegus-<br>Дўлана       | Rosa canina<br>Итбурун<br>наъматак<br>Crataegus<br>pontuca<br>Пўнтик дўлана                                     | Дарахт<br><br>Бута                        |
| 20. | Fabaceae<br>Бурчоқдошлар           | Melilotus-<br>Қашқарбеда<br>Ovicaria-<br>Боқеа   | Melilotus<br>officinalis-<br>Сариқ<br>қашқарбеда<br>Vicia ervilia-<br>Тасбехнамо<br>боқеа                       | Икки йиллик<br>ўт                         |
| 21. | Elaeagnaceae-<br>Жийдадошлар       | Elaeagnus-<br>Жийда                              | Elaeagnus<br>argentea-<br>Ингичкабарг<br>жийда<br><br>Elaeagnus<br>orientalis-<br>Шарқ жийдаси                  | Дарахт<br><br>Дарахт                      |
| 22. | Apiaceae<br>Зирадошлар             | Bunium- Зира<br><br>Daucus-Сабзи                 | Bunium<br>intermedium-<br>Ўртабўйли зира<br>Daucus carota-<br>Ёввойи сабзи                                      | Кўп йиллик<br>ўт<br><br>Икки йиллик<br>ўт |
| 23. | Asteraceae<br>Қоқиўтдошлар         | Arctium-<br>Қариқиз<br><br>Taraxacum-<br>Қоқи ўт | Arctium<br>leiospermum-<br>Ёлонғоч уруғли<br>қариқиз<br>Taraxacum<br>officinale -<br>Доривор қоқи<br>момоқаймоқ | Бир йиллик<br>ўт<br><br>Кўп йиллик<br>ўт  |
| 24. | Solanaceae<br>Ит узумдошлар        | Datura-<br>Бангидевона                           | Datura<br>stramonium -                                                                                          | Кўп йиллик<br>ўт                          |

|     |                                  |                                             |                                                                                        |                                          |
|-----|----------------------------------|---------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|
|     |                                  |                                             | Қора ит узум                                                                           |                                          |
| 25. | Convolvulaceae<br>Печакдошлар    | Convolvulus-<br>Печак                       | Convolvulus<br>arvensis-<br>Дала печаги                                                | Кўп йиллик<br>ўт                         |
| 26. | Plantaginaceae<br>Зуртурумдошлар | Plantago-<br>Зуртурум                       | Plantago major-<br>Йирикбарг<br>зуртурум                                               | Кўп йиллик<br>ўт                         |
| 27. | Lamiaceae<br>Ялпиздошлар         | Mentha<br>Ялпиз<br>Leonurus-<br>Арслонқулоқ | Mentha arvensis<br>Дала ялпиз<br>Leonurus<br>turkistanica-<br>туркистон<br>арслонқулоқ | Кўп йиллик<br>ўт<br><br>Кўп йиллик<br>ўт |
| 28. | Poaceae<br>Бугдойдошлар          | Hordeum-<br>Арпа<br>Bromus-<br>Ялтирбош     | Hordeum<br>bulbosum- арпа<br>Bromus<br>danhonea-<br>Данакли<br>ялтирбош                | Кўп йиллик<br>ўт                         |

**Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи  
атрофида тарқалган ўсимликларнинг  
ботаник тавсифи.**

Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликлар флорасини ўрганиш асосида ўрганилган ўсимликларнинг ботаник тавсифини келтирамиз.

Оила- Pinacea- Қарағайдошлар

Туркум- Pinus L - Қарағай

Тур- Pinus silvestrus-Оддий қарағай

Pinacea- Қарағайдошлар оиласига эга бўлиб, 10 та туркум ва 250 тага яқин турни ўз ичига олади. Шимолий Евросиё ва шимолий Америкада “Тайга” деб аталадиган ўрмонларни ҳосил қилади. Қарағайдошлар асосан доим яшил, қисман баргини тўқувчи дарахт, ҳамда айрим ётиб ётиб ўсувчи буталардан ташкил топган. Ингичкасимон, наштаарсимон турлича. Қарағайдошларнинг барглари кўп йиллик 2-7 йиллик. Қуббалари айрим.

Pinus silvestrus-Оддий қарағай. Бўйи 15-20 ( 30-50) метрга етадиган, барги нинабаргли бўлиб, бир жуфт ёки тўп холда жойлашади 2 йилдан кейин тўкилиб кетади. Пояси моноподиал шохланишга эга.

Қарағай бир ўйли, айрим жинсли ўсимликдир. Улар кўпайиши учун ҳар хил тузилган эркак урғочи қуббалар ҳосил қилади. Ҳар йили қарағайдошларда 3 хил қуббаларни кузатиш мумкин.

1. Чангланиш жараёнида юз берадиган, майда қизил қуббалар.
2. Уруғланиш жараёнида бўладиган яшил рангли, бир мунча йирик қуббалар.
3. Уруғлар етилаётганда кузатиладиган жигар рангли қуббалар.

Қарағайдошларнинг табиатдаги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти беқиёс катта. Улардан қурилишлар учун ёғоч, мебеллар тайёрлашда, қоғоз

саноати учун хом ашё, канифол 1 кипидол, геюкозидлар ва бошқалар олинади.

Оила- Cupressaceae-Сарвдошлар

Туркум- Juniperus L -Арча

Тур- Juniperus turkistanica-Туркистон арчаси

Бўйи 18 метрга борадиган дарахт. Меваси етилганда қаламтир қўнғир. Тоғ зўнасида ( 2000-3000 метр баландликда) майда ва чағир тошли ён бағирларида ўсади.

Апрель май ойларида гуллайди, меваси келгуси йилнинг сентябр ноябр ойларида пишади. меваси

Juniperus seravshanica-Зарафшон арчаси яни қизил арча.

Бўйи 20 метрга етадиган дарахт пўстлоғи қизғиш. Шох шабаси қалин авал ёки конуссимон. Адир ва тоғларда, ташқи чағир тошли ён бағирларида ўсади.

Апрель-июнь ойларида гуллайди, меваси келгуси йилнинг октябр декабр ойларида пишади. Мевадаги уруғлар бирбиридан ажралган холда жойлашган. Меваси 2-4 уруғли. Пўстлоғи кул ранг қўнғир.

Арчаларнинг ёши навдалари ва мевалари йиғиб олинади. Ёш навдалари таркибида эфир мойли, ғудда мевасида қандлар ошловчи, бўёқ, эфир мойли ва бошқа моддалар бор

Оила- Berberidaceae-Зиркдошлар

Туркум- L - Berberis-Зирк

Тур- Berberis ablongo-Қора зирк

Баргини тўкадиган сер тикан бута, бўйи 1,5-4 метрга боради. Шохлари тоғри ўсади. Узунлиги 1-2см га бордиган тиканлари бор. Ёш шохлари сарғиш, қишлаб чиққан шохлари кул ранг тусда барглари навбатма навбат жойлашган. Элипсимон сал тери симон бўлиб, майда тишчали. Гуллари оқиш, сарғиш, хидли, гулқандлари бор. Меваси қора ёки қизил рангда бўладиган сал қуруқроқ, нордон резавор мева, узунлиги 1см гача

боради. Май- июнда гуллайди. Мевалари июль- августда етилади. Қирим Кавказда Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларда бутазорларда баъзан тошли ён бағирларда ўсади.

Халқ табобатида қора зирк мевалари юракка қувват бериши учун ишлатилади. Шунингдек иссиқни туширадиган чанқоқни қолдирадиган, диабет ва ич суришга қарши таъсир кўрсатадиган восита сифатида ишлатилади.

Замонавий табобатда қора зиркнинг ҳар хил препаратлари сурункали гепотитларда ўт тош касалликларида яллиғланишга қарши ва ўт ҳайдовчи воситасидан қўлланилади.

Қора зирк меваларидан зиравор сифатида ҳам фойдаланилади. Зир асосан суптропик ва мўтадил иқлимнинг минтақаларида кенг тарқалган. Оиланинг 12 туркумга мансуб 650 тага яқин тури бор бўлиб, ўзбекистонда 3 туркум 8 та тури ўспди.

Оила – *Amaranthaceae* - Гултожихўроздошлар

Туркум – *Amaranthus* L - Гултожихўроз

Тур – *Amaranthus retroflexus* L - Қайрилган гултожихўроз,  
ёввойи гултожихўроз, эшакшўра.

Бу оилага 65 туркум, 850 турдан ортиқ бир йиллик, кўп йиллик ўтлар ва чала буталардан киради. Ўзбекистонда 2 туркумли 10 та тури учрайди. Уларнинг пояси тик ёки ер бағрлаб ўсади. Барглари оддий бандли, кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашган.

Ён баргчасиз гуллари бир жинсли ёки икки жинсли майда яшил ёки рангсиз. Чангчилари 3-5 та, баъзан таги бирикиб тугунчани ўраб олади. Тугунчаси устки меваси бир ёки кўп уруғли кўсакча. Бу оила вақллари тропик ва субтропик мамлакатларда кенг тарқалган. Перуда гултожихўрозлар донли экин сифатида экилади.

*Amaranthus retroflexus* L - Бир йиллик бўйи 20-75 см келадиган ўт ўсимлик. Пояси ва барги кулранг яшил, майда тукли. Июнь- июль ойларида

гуллаб, июль-октябрда уруғлайди. Шахар кўчалари, ариқлар бўйи, боғ ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

Оила – *Chenopodiaceae* Vent - Шўradoшлар

Туркум – *Chenopodium* L - Шўра

Тур – *Chenopodium foliosum* archers - Сербарг шўра

Бу оилага бир йиллик икки йиллик, кўп йиллик, ярим бута, бута ва кичик дарахтлар киради. Оила вакиллари барглари оддий, кетма-кет, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда кўримсиз гулкўрғони оддий 5 бўлакли чангчилари ҳам 5 тадан уруғчиси 2-5 мевачи барглардан иборат. Шўradoшларга мансуб ўсимликлар асосан чўл ва ярим чўлларда ўсади.

Бу оилага 110 га яқин туркумга мансуб 1600 тур киради. Ўзбекистонда бу оилага мансуб 176 тур ўсади.

*Chenopodium foliosum* ( Moench ) archers - Сербарг шўра бир йиллик бўйи 15-80см келадиган ўт ўсимлик. Поясида барглари зич кетма-кет жойлашган, бандли найсимон, ўткир учли ўйилган тишли. Июл-август гуллаб уруғлайди.

Дарё сохиллари, бўш ётган жойлар экинлар орасида ўсади.

Барглари учбурчак – тухумсимон кўринишида четлари нотекиштишли, агар бутасимон бўлса унда чети текис, бир оз этли, гуллари рўваксимон тўпгулли ғуж бўлиб жойлашган. Уруғи ялтироқ.

Оила – *Caryophyllaceae* Juss - Чиннигулдошлар

Туркум - *Dianthus* L - Чиннигул

Тур - *Dianthus tetralapis* Nevski – Тўрттангачали чиннигул

Бу оилага 80 та туркумга мансуб 2000 та тур ўсимлик киради. Ўзбекистонда 24 туркумга оид 122 тури ўсади. Бу оила вакиллари бир йиллик, кўп йиллик ўтлар бўлиб барглари қарама-қарши жойлашган. Гуллари 5 доирали чангчилари 4-5-10 та, уруғчиси 1-2-5 та, тугунчаси устки, меваси кўсак. Улар ер шарининг ҳамма ҳудудларида ўсади.

*Dianthus tetralapis* Nevski – Тўрттангачали чиннигул кўп йиллик ўт. Барглари туксиз, қалами ўткир учли.

Май оида гуллай бошлайди. Сентябргача ўсиб уруғлайди. Тошли ва юмалоқ тупроқли ерлар ҳамда дарё бўйлари дарахт ва буталар орасида ўсади.

Оила – Polygonaceal - Тарондошлар

Туркум – Rumex – Отқулоқ

Тур – Rumex crispus - Жингалак отқулоқ

Бу оилага мансуб ўсимликлар ўт бута, ярим бута, баъзи дарахтлардан иборат. Баргларининг асосида охреяси бор. Гуллари актимозар гулқўрғон барглари 3-6 та, чангчилари 5 тадан 9 тагача, уруғчиси 2-3 баъзан 4 мевабаргли. Меваси ёнғоқча. Бу оилага 35 га яқин туркум, 1000 та тур киради. Ўзбекистонда 7 туркумга мансуб 120 та тури ўсади.

Rumex crispus L - Жингалак отқулоқ бўйи 50-100 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси қизғиш тарвақайлаб шаклланган. Май-июнь ойларида гуллаб июнь-июльда уруғлайди. Дарё ва ариқ бўйлари, ботқоқликлар йўл ёқалари ҳамда экинзор четида бегона ўт сифатида ўсади, тоғ зонасигача тарқалган.

Халқ табobatiда отқулоқ илдизидан баргидан ҳамда мевасидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама ич кетиш, дизентерия ичак яралари, қуритилмаган баргдан олинган шира билан экзема, темиратка ва яралар даволанади.

Илмий табобатда отқулоқ турларининг доривор препаратлани меда ичак қон аралаш ич кетиш касалликлари ҳамда ичакдан қон кетманда ичиш буюрилади.

Оила – Rheun L – Ровоч

Туркум - Rheum maximowichii Losinsh – Максимович равочи

Rheum maximowichii Losinsh – Максимович равочи кўп йиллик, бўйи 40-100 см ўт ўсимлик. Пояси дағал, туби зангсимон қўнғир барг қини билан ўралган. Барглари фақат илдиз олдида жойлашган. Барг пластинкаси бутун устида ортиқлари бор. Тоғ ёнбағрларида ўсади. Май-июл ойларида гуллаб уруғ беради. Илдизи тери ошлашда ишлатилади.

Абу Али Ибн Сино равоч ўсимлиги билан, чечак вабо, қизамиқ касалликларини даволаган. Шунингдек равоч илдизини ичак буйрак, товук, бачадон оғриқларини қолдирувчи, қон кетишини ва овқат хазмининг бузилиши натижасида ич кетишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган.

Халқ табобатида равоч илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма билан иситма, меда ичак касалликлари даволанади, ҳамда ичдан оққан қонни тўхтатиш учун қўлланилади.

Илмий табобатда равоч турлари илдизидан тайёрланган экстрактни ич кетиш касалликларини даволаш учун ишлатиш тавсия этилган.

Оила – Platanaceal- Чинордошлар

Туркум – Platanus L- Чинор

Тур – Platanus arintalis L- Шарқ чинори

Бу оилага 1 туркум 10 та тур киради. Улар Шимолий Америка, Канада, Мексика, Ўрта ер денгизи бўйлари, Ғарбий Химолай, Хинди-Хитой, Болқон ярим ороли ва Ўрта Осиёда тарқалган.

Шарқ чинори бўйи 20-25 метрга етадиган дарахт. Барглари 3-5 (7) бўлакли. Гуллари шарсимон тўпгулга йиғилган, бир жинсли, кўшгулкўрғонли, чангчи гуллари 3-8 та, чангчига, уруғчи гуллари эса 3-6 уруғчига эга. Меваси ёнғоқ. Апрель ойида гуллаб, сентябрь-октябрда меваси пишади. Шахар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш учун манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Шамол воситасида чангланади.

Чинорлар 2000 йилча умр кўради, табиатда 500, 1000 йил яшаган чинорлар учрайди.

Чинор ёғочи қимматли қурилиш материали ҳисобланади, у мустаҳкалиги сифатидан ёнғоқ ёғочидан қолишмайди. Шарқ чинори Ўзбекистон Республикаси “ Қизил китоби” га киритилган.

Оила – Juglandaceal- Ёнғоқдошлар

Туркум – *Juglans L*- Ёнғоқ

Тур – *Juglans regia L*- Греҳ ёнғоғи

Ёнғоқдошлар - *Juglandaceal* оиласига 7 та туркумга мансуб 60 та турни ўз ичига олади. Асосан Евросиё ва Америкада тарқалган. Гуллари айрим жинсли, чангчилари кучаласимон тўпгулда жойлашган. Уруғчиси иккита мевачи баргнинг қўшилиб ўсишдан ҳосил бўлган. Тугунчаси остки, меваси ёнғоқ мева. Барглари тоқ патсимон мураккаб, эфир мой чиқарувчи безчалардан иборат.

Греҳ ёнғоғи - *Juglans regia L*, бўйи 15-30 метрга етадиган мевали дарахт. Шох-шабаси кенг, танасининг диаметри 0,5-2 м ва ундан ҳам ортиқ йўғонликда. Барги йирик, мураккаб тоқ патсимон. Гуллар айрим жинсли. Бир уйли ўсимлик. Чангчи гуллари кучалага тўпланган, уруғчи гуллар эса 1 ёки 2-3 тадан ўтган йилги новда ичида етишади. Май ойида гуллаб, меваси сентябрда пишади. Ёғочи мебел, меваси озиқ-овқат, саноатда пўчоғи барги табобатда ишлатилади. Меваси мағзида 75% ёғ пўстида ошловчи моддалар мавжуд.

Халқ табобатида ёнғоқнинг хомлигидаги қобиқ шираси экзема, дерматоз каби тери касалликларини даволашда ишлатилади.

Абу Али Ибн Сино ёнғоқнинг баргширасини илиқ ҳолда кулоқ ичи йиринглаганда томизган. Ёнғоқ пўстлоғидан тайёрланган қайнатмани бачадондан қон кетишини ва гижжа ҳайдовчи омил сифатида тавсия этган.

Ёнғоқнинг мағзи эндигина сут йиққан пайтида ниҳоятда фойдали. Бу даврда унда витаминлар кўпаяди. Шу боисдан хом ёнғоқнинг ҳали тўла пишмаган мевасидан саноат миқёсида витаминли концентратлар олинади. Ревматизм, рахит ва тери касалликларида ёнғоқ баргларидан тайёрланган қайнатмали ванна жуда зарур.

Оила – *Hypericaceal*-Далачойдошлар

Туркум – *Hypericum L*-Далачой, чойўт

Тур – *Nupericum perfaratum* L- Тешик чойўт, далачай

*Nupericaseal*-Далачайдошлар оиласига 9 туркум, 400 дан ортик тур киради. Оила ваклари асосан тропик ва субтропик худудларда кенг тарқалган. Ўзбекистонда 3 тури ўсади.

*Nupericum perfaratum* L- Тешик чойўт, далачай кўп йиллик ўт. Бўйи 30-35 см. Илдизи ёғочланган. Пояси ва шохлари силлик. Барглари чўзиқ-тухумсимон, 10-17 мм. Тўпгули қалқонсимон ёки думалоқ-тухумсимон, кўп гулли. Июль-Сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғларнинг сернам ерлари, ариқ бўйларида ўсади.

Далачай турлари таркибида эфир мойлари, антиакционлар, коаротин, салмоқли миқдорда витамин С, қанд, ошловчи моддалар, флавоногликозидлар, катров ва микроэлементлар бор.

Далачай шифобахш ўсимлик сифатида қадимдан қўлланилиб келинади. Абу Али Ибн Сино далачай ўсимлигини оғриқ қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ва турли яра ҳамда жароҳатларни даволашда ишлатилади.

Илмий таботатда далачай ўсимлигининг дори препаратлари тинчлантирувчи сифатида, ўткир ҳамда сурункали колит касаллигини даволашда ишлатилса, ундан олинган иманин препарати 2-3 даражали куйишни терининг яллиғланишини оғиз бўшлиғини даволашда қўлланилади.

Далачайнинг яна бир хусусияти ундан сарик, яшил, қизил ва қора рангли бўёқлар тайёрланади.

Оила – *Salicaceal* - Толдошлар

Туркум – *Salix.L* - Тол

Тур – *Salix babylanica* L - Мажнунтол

*Salicaceal* – Толдошлар оиласига 3 туркумга мансуб, 400-420 тур киради. Улар дарё бўйларида, тўқайларда, ариқлар қирғоқларда ўсади. Бу оилага мансуб ўсимликлар қишда барғни тўкиб туради. Оиланинг энг кенг

тарқалган туркумлари тол - *Salix*. 350-370 турни ўз ичига олади, терак – *Populus* 50-60 турни ўз ичига олади.

*Salix babylonica* L – Мажнунтол икки уйли бир жинсли дарахт, бўйи 8-10 метрли дарахт. Барглари чиройли навалари узун ингичка, пастга ўсиб туради, ингичка ланцентсимон туксиз. Кучаласи (тўп гули) барглардан олдин ҳосил бўлади. Март-май ойларида гуллаб уруғлайди. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Туркум – *Populus* L - Терак

Тур - *Populus alba* L – Оқ терак

*Populus alba* L – Оқ терак бўйи 15-20 м ли дарахт. Шох-шаббаси ёйиқ ёки перамидасимон. Барглари 3-5 нотекис бўлақларга бўлинган. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ва қурилиш материали олинидигин ўсимлик сифатида экилади. Барглари оддий, тухумсимон, четлари тишсимон, ости пўкаксимон оқ туклар билан қопланган. Юзаси силлиқ тўқ яшил асосан икки уйли, баъзан бир уйли. Кучалари барг ёзгунча ҳосил бўлиб, жуда тез тушиб кетади, уруғи майда.

Оила – *Tamaricaceae* - Юлғундошлар

Туркум – *Tamarix* - Юлғун

Тур – *Tamarix arceuthadis* Bg – Арчасимон юлғун

Ўзбекистонда юлғундошларнинг 2 турига мансуб 16 та тури учрайди. Улар Ўзбекистоннинг чўл минтақасидаги қумли ерларда суви қуриган дарё ва қўл қирғоқларида ҳамда тўқайларда шўрҳоқ ерларда тарқалган.

*Tamarix arceuthadis* Bg – Арчасимон юлғун бута ўсимлик бўлиб бўйи 4 м тоғли ҳудудларнинг дарё ёқаларида ўсади. Май-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Гуллар ёзда ва кузда етилади. Бир йиллик, навалари тукли, гуллари бандсиз, йирик тўқ қизил, оқиш-пушти ёки оқ роваксимон тўпгулга йиғилган. Тожи барглари чўзиқ-эллипсимон. Гуллар 5 озоли, устунчаси 3 та.

Оила – *Capparaceal* - Қовулдошлар

Туркум - *Capparis*- Қовул

Тур – *Capparis spinosa*- Тиканли қовул

*Capparaceal* – Қовулдошлар оиласига 45 та туркумга оид 850 тур киради. Улар тропик ва субтропик ҳамда иссиқ иқлимли ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистонда 2 туркумга мансуб 6 та тур ўсади. Қовул туркумига Ўзбекистонда 2 та тури ўсади. Қовуллар айрим мамлакатларда маданий ўсимлик сифатида экилади. Айниқса унинг ғунчасини Кавказ ва Ўрта ер денгизи аҳолиси зиравор сифатида ишлатади. Хиндистонда қовулдан фойдаланиб ўпка силини, илдизи қайнатмасидан милкларни мустаҳкамлашда фойдаланилади.

*Capparis spinosa* - тиканли қовул кўп йиллик, бўйи 2,5 м гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси шохланган, ётиб ўсади. Барглари 5-6 см, думалоқ, тескари тухумсимон ёки эллипсимон. Барг банди ва гул банди ҳосил бўлган жойда ўткир тиканлар бор. Гуллар деярли тўғри тузилган (актиноморф). Косачабарглари ва тож барглари 4 та дан чангчиси чексиз. Меваси кўп уруғли резавор мева. Июнь-август ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл адарларда йўл ёқалари, деворлар устида экинлар орасида ўсади.

Абу Али Ибн Сино қовул ўсимлигини нафас қисиш (астма) меъда-ичак касалликларини даволашда ишлатган. Булардан ташқари, қовул ўсимлигини оғриқ қолдирувчи, жараларни тузатувчи, гижжаларни ҳайдовчи дори сифатида қўлланилган.

Халқ табобатида қовул ўсимлиги илдизидан тайёрланган қайнатма сариқ касаллигини даволашда ишлатилади. Гул ширасини йирингга ва

яраларга даво қилинади. Мева қайнатмасини эса бавосил касаллигини даволашда ҳамда тиш оғриқни қолдирувчи ва милкни мустаҳкамловчи дори сифатида қўлланилган.

Оила – Brassicaceal – Карамдошлар

Туркум – Capsella - жағ-жағ

Тур – Capsella burse pastoris (L) Medie- Оддий жағ-жағ, ачамбити

Brassicaceal – Карамдошлар оиласига 380 та туркумга мансуб, 3200 тадан ортиқ тури мавжуд. Улар ер юзида ниҳоятта кенг тарқалган. Ўзбекистонда 5 туркуми, 193 тури ўсади. Ҳарактерли белгиси гуллари крестга ўхшайди. Гулкочаси 4 та, гултожи 4 та, чангчиси 6 та.

Capsella burse pastoris (L) Medie - Оддий жағ-жағ, ачамбити, бир йиллик бўйи 10-30 см етадиган ўт ўсимлик. Ўсимлик оддий ва айрисимон туклар билан қопланган, илдиз бўғзидаги барглар меранаморф патсимон бўлинган. Пояга ўрнашган барглар чўзиқ, ўқнамо патсимон, учбурчак шаклда. Март-май ойларида гуллаб, апрел-июлда уруғлайди. Боғ ва екинзорларда йўл ҳамда дарё бўйларида ўсади. Кенг тарқалган ўсимлик.

Халқ табобатида бу гиёҳ ўзининг қон тўхтатиш хусусияти билан танилган.

Илмий табобатда ҳам жағ-жағ ўсимлиги қон босимини тушуриб ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Шу боисдан бўлса керак Ўрта Осиё халқлари айни баҳор ойларида жағ-жағ ўсимлигининг илдиз олди тўп барглари чучвара, кўк сомса ва бошқа таомлар тайёрлаб истемол қилишади. Бундай таомларни инсон организмига фойдали эканлигини ҳозирги замон табобати ҳам тасдиқлайди.

Туркум – Cardaria Dest - Болтирик

Тур - Cardaria repens (shrenk) farm – Ўрмаловчи болтирик

Кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 15-50 см, пояси асосан тик ўсади. Барглари бутун, аррасимон, тишли ёки ёйилган тишли. Поянинг пастки қисмидаги барглари тескари ланцетсимон чўзиқ, ўтмас учли, ўрта қисмидагилари чўзинчоқ. Юқоридагилари эса чўзиқ – тухумсимон, туби билан пояни ўраб қўяди. Тожбарглари оқ, коса баргларига нисбатан кичик марта узун. Қўзоқчаси шарсимон, тигиз. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июлда гуллайди. Чўл-адир ва тоғ ҳудудларида ерларда ўсади.

Оила – Malvaceae - Гулхайридошлар

Туркум – Malva L - Тугмачагул

Тур – Malva negeicta Wall – Бефарқ тугмачагул

Malvaceae – Гулхайридошлар. Оиласига 85 минг тур киради. Ўзбекистонда 6 туркумга мансуб 17 тури ўсади. Гулхайридошларга ўт, бута ва дарахтлар киради. Барглари оддий, қирқилга панжасимон, гуллари икки жинсли. Актиноморф гулкоса ва гултожбарглари 5 тадан, уруғчиси ва чангчиси чексиз. Тугунчаси устки меваси кўп уруғли кўсакча.

Malva negeicta Wall – Бефарқ тугмачагул бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб бўйи 10-40 см пояси ер бағирлаб ўсади, биров ердан биров кўтарилиб ўсади, шохланган. Барглари узун бандли, 5-7 бўлаккли, гуллари барг қўлтиғида жайлашган, гул бандли, гули пушти. Апрель-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Суғориладиган ва баҳори қор ерларда ўсади. Бегона ўт.

Туркум – Althaea - Гулхайри

Тур – Althaea officinalis - Доривор гулхайри

Althaea – Гулхайри Ўра Осиёда кўп тарқалган шифобахш ўсимлик. Гулхайри ўсимлиги боғларда, тоғларнинг ён бағрларида, сой бўйларида ўсади.

*Althaea officinalis* - Доривор гулхайри. Кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб бўйи 1,5 м га етадиган ўт ўсимлик, пояси битта ёки бирнеча тик ўсувчи, шохланмаган ёки юқори қисми шохланган. Поянинг юқори қисмидаги барглари бутун тухумсимон, ўрта ва пастки қисмдагилари эса 3-5 бандли бўлиб банди билан пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари пушти ёки оқ рангли. Барг қўлтиғига поя ва шохлари учуга тўп-тўп бўлиб жойлашган. Меваси ясси-юмалоқ, серуруғ-куруқ мева. Июнь-август ойларида гуллайди. Меваси июл-августда пишади.

Гулхайри турларининг илдизи баъзан барги ишлатилади.

Абу Али Ибн Сино гулхайри илдизидан, баргидан ва уруғидан тайёрланган дамлама билан йўтал, қон тупуриш, зотилжам ва буйрак касалликларини даволаган. Булардан ташқари балғам кўчирувчи қв шишларни қайтарувчи дори сифатида қўллаган.

Илмий табобатда гулхайри ўсимлигининг илдизидан нафас йўллари касаллигида, ич кетганда, болғам кўчирувчи ҳамда яллиғланиш касалликларида ишлатилади.

Оила – *Ulmaceae* - Қайрағочлошлар

Туркум – *Ulmus* - Қайрағоч

Тур – *Ulmus dense* - Сада қайрағоч

Бу оила вакиллари манзарали дарахт сифатида екиб ўстирилади.

*Ulmaceae* – Қайрағочлошлар оиласига дарахтлар, баъзан бута ўсимликлар киради. Уларнинг барглари оддий баргли икки қатор бўлиб, навбат билан жойлашган кўпчилигининг ён барглари тўкилиб кетади. Гуллари икки жинсли, баъзи ҳолларда бир жансли тўда-тўда ёки якка бўлади, барг, қўлтиғидан чиқади. Гул қўрғони оддий, 4-6 та баргчадан иборат, тилимланган ёки бўлакли. Оталиги 4-6 та, тугунчаси устки бир уяли, барг чиқаришдан олдин гуллайди. Меваси ёнғоқча-қанотча, мева ёки данакли мева.

Бу оилага 13 туркумга мансуб 140 турни ўз ичига олади.

Ulmus - Қайрағоч туркумига 13 тур киради. Ўрта Осиёда 8 та тури учрайди.

Ulmus dense - Сада қайрағоч – бўйи 10-15 метрга йетадиган сершоҳ дарахт ташқи томондан шар ёки эллипс шаклда шохлари тукли барг банди қисқа узунлиги 6-7 мм сийрак тукли барги йирик, узунлиги 3-7 см, эни 1,5-3 см тухумсимон, четлари тишли устки томони туксиз ёки юмшоқ тукли, гули тўда-тўда қисқа навдаларда ўрнашган. Гулқайрағоч 4-5 бўлаккли. Чангчилари 4 та, мевалари қанотли, катталиги 2см. Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали дарахт сифатида экилади.

Оила – Moraceae – Тутдошлар

Туркум – Morus- Тут

Тур – Morus albe - Оқ тут

Moraceae – Тутдошлар оиласига 53 та туркумга мансуб 1400 тур киради. Ўзбекистонда 3 та туркумга мансуб 6 та тури бор. Бу оилага доим яшир ёки баргини тўқувчи сут ширали дарахт бута ва ўт ўсимликлар киради. Уларнинг барглари кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашади. Барглари бутун, ўйилган ёки қайчи барг, тўп гуллари каллаксимон ёк бошоқсимон бўлиб барг кўлтиғида жойлашган. Гуллари косачасимон 4 бўлакчали, чангчиси 4 та уруғчиси 1 ёки 2 та мевачи баргдан иборат. Меваси ёнғоқча ёки сохта данакча.

Оқ тут бўйи 15 метргача етадиган дарахт пояси кул ранг, кул ранг-қўнғир пўстлоқ билан қопланган. Барги буйраксимон, тухумсимон, ўткир ёки тўмтоқ учли, нотекис тишсимон қиррали бўлиб, шохларида банди билан кетма-кет жойлашган. Оталик ва оналик гуллари айрим-айрим кучалага тўпланган. Меваси оқ, сершира мевачалардан ташкил топган тўп мева апрел ойида гуллайди. Меваси май-июнда пишади. Тут барги ипак қурти учун

озуқа манбаи ҳисобланади. Тут меваси шифобахш озуқа манбаи ҳисобланади.

Абу Али Ибн Сино оқ тут баргини ангинага қуририлмаган барг ширасини эса тиш оғриғига даво қилган. Мева ва мева шираси билан оғиз ва тамоқдаги шишларни дизентерея касаллигини даволаган ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатган.

Ҳалқ табобатида оқ меваси иситма чиққанда, ичак касалликларида ҳамда қонни тозаловчи ва кўпайтирувчи дори сифатида ишлатилади.

Оқ тут мевасидан олинган шиннини фарматевтика амалиётида ҳам дорилар тайёрлашда ишлатиш тавсия этилган.

*Morus nigra* – шотут Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўстирилади.

Шотут бўйи 15 метргача етадиган дарахт. Пояси қизил, қўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Барги тухумсимон, юраксимон, асосли, ўткир ёки тўмтоқ учли нотекис йирик тишсимон, қиррали ёки бўлакли бўлиб шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари бир жинсли, оталик ва оналик гуллари айрим-айрим кучалага тўпланган. Меваси қора ёки бинафша ранг, сершира мевачалардан ташкил топган тўп мева.

Апрел ойида гуллайди. Меваси май-июнда пишади.

Оила – *Thymeliaceae* - Келинсупургидошлар

Туркум - *Diarthran (Vesiculosum) Tuze.L* - Келинсупурги

Тур - *Diarthron visiculosum* – пуфакли келинсупурги

*Diarthron visiculosum* Cam – Пуфакли келинсупурги-келинсургидошлар. *Thymeliaceae* оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Бўйи 25-50 см тик ўсувчи, пояга сершоҳ. Барглари косали пояга кетма кет жойлашган. Гулқўрғони яшилроқ чангчилари 4-8 та май- июль ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адир, лалми экинлар ичида ўсади.

*Thymeliaceae* – Келинсупургидошлар- гуллари икки ҳамда бир жинсли-чангчи гуллардан ташкил топган. Тож зигоморф пихсиз. Косача барглари 5 та

тожибарглари 4-6 та. Чангчилари эркин, 5-8 та. Тугунчаси қалин пўстли кўпинча тиканли. Меваси 3 хонали кўсакча. Барглари панжасимон мураккаб, карама қарши ўрнашган. Гуллари тик турадиган, пирамидасимон шингилчага (тўпгулча) йиғилган.

Оила – Rosaceae - Раънодошлар

Туркум – Rosa L - Наъматак

Тур – Rosa canina L - Итбурун наъматак

Rosaceal – Раънодошлар оиласига 100 та туркумга мансуб 3000 дан ортиқ турларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда 11 туркумга оид 96 тури ўсади. Улар ер юзида жуда кенг тарқалган дарахт, бута лиана ва ўт ўсимликлардан иборат. Гуллари акциноморф, икки жинсли, айрим турларида зигоморф, чангчилари гулкоса, гултожибарглари тенг косача ва гултожи барглари 5 тадан бўлиб жойлашади. Уруғчиси кўп ёки битта. Мевалари турлича резавор сохта мева, баргак ёнғоқ.

Rosa canina L - Итбурун наъматак бута ўсимлик бўлиб, бўйи 3 метргача. Тиканлари зич, қаттиқ учи бир оз пастга эгилган, туби учбурчак бўлиб йўғонлашган. Барглари 5-7 япроқли, япроқлари оддий ёки икки қарра ўткир тишли, туксиз, косача барглари учбурчаксимон, сиртдагилари қисман патсимон, меваси қизил этли тухумсимон ялтироқ май-июл ойларида гуллаб, июл-октябрда мева беради. тоғнинг пастки ва ўрта қисмида дарё ва сойлар бўйида, боғ, ёнғоқзор, арчазорлар ўсади.

Наъматак мевалари таркибида кўп миқдорда С витамини бўлади.

Халқ табобатида қадим замонлардан бери шифобахш неъмат сифатида қўлланиб келинади. Наъматак дамламаси ўт тош ва сийдик тош касалликларида, жигар, ўт пуфаги ялинланиши, қовуқ касалликлари, иситма тушурувчи восита сифатида ҳозирги кунда ишлатилиб келинади.

Туркум – Crataegus - Дўлана

## Тур – *Crataegus turkistanica* – Туркистон дўланаси

Бўйи 5 метрга борадиган кичикроқ дарахт ўсимлик. Шохлари бақувват ялтироқ туради. Барглари йирик тишли, бандли тескари тухумсимон, гуллари оқ ёки пушти бўлиб, тўп гуларга тўпланган. Меваси резавор мевага ўхшайди, қизил, деярли шарсимон ёки пушти бўлиб тўпгулларг тўпланган. Меваси элипсимон шаклда, 3-1 та данакли, ширин июлда гуллайди, мевалари сентябрда етилади. Гул ва мевадан дори дармонлар тайёрланади.

Дўлана Ўрта осийнинг ҳамма худуларида ўсади. Ўзбекистонда дўлананинг 10 та тури учрайди. Батаника боғида 1 та туркумга мансуб 10 туб дарахт борлиги аниқланди.

Дўлана мевалари юрак қон томирлар ва марказий нерв системаси медицинада касалликларида наф бериши аниқланди.

## Туркум – *Amugdalus* L- Бодом

### Тур – *Amugdalus communis*- оддий бодом

Бодом -*Amugdalus communis* L – унча катта бўлмаган дарахт ёки бута бўйи 2-8 м ёш навдасининг пўстлоғи қизғиш жигар ранг эски навалари тўқ кул ранг ёки деярли қора. Барг япроғи наштаарсимон ёки қисқа элипсимон. Мева банди 4-10 мм узунликда. Меваси бандли тухумсимон шаклда бўлади. Март апрельда гуллаб июль августда мева беради.

Халқ табобатида бодом мағзи ва бодом мойи қадимдан ишлатилиб келинади.

Буюк алома Абу Али Ибн Сино бодомни ҳамма турларини жигар, талоқ, меда тозалайди, мияга яхши таъсир кўрсатиб кўз қувватини оширади деб тавсия берган.

## Оила – *Fabaceae* -Бурчоқдошлар

Туркум - *Melilotus*-Қашқарбеда

Тур – *Melilotus officinalis*- Сарик қашқарбеда

Бир оила вакллари ер шарининг ҳамма курукликларида учрайди. Ўзбекистонда 35 туркумга оид 422 тури ўсади.

Оилага ўт ва леона ўсимликлар киради. Барглари оддий ва мураккаб. Гуллари икки жинсли зигоморф гулкосачабарги 4-5 та гултожи ҳам 4-5, чангчиси 10 та шундан 9 таси қўшилиб ўсган 1 таси алохида. Гули сарик, дуккакли кўндаланг бужмайган.

*Melilotus officinalis*- Сарик қашқарбеда. Икки йиллик ўт. Бўйи 20-100 см. Пояси тик ўсади, шохланган. Баргчалари тухумсимон ингичка наштарсимон шаклгача, узунлиги 9-25мм эни 2-8мм. Май июл ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ зўнасида ва вохаларда, экинлар орасида, йўл, ариқ ва дарё бўйларида ўсади. Гули оқ, дуккакли тўрсимон бужмайган.

Туркум – *Vicia L* -Боқеа

Тур – *Vicia L Willd* -Тасбехнамо боқеа

Бир ёки икки йиллик ўсимлик. Тўпгули шингилсимон 2-5 гулли. Барглари 3-6 жуфт баргчали. Гуллари сиёхранг.

Тасбехнамо боқеа. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10-25 см. Пояси тик ўсади 4 қиррали. Дуккаги 10-20 мм 2-3 уруғли. Апрель июн ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ва адир зўнасида ғалла экинлари орасида ўсади. Туккаги тасбехсимон эмас текис. Пастки барглари бир жуфт баргчали юқоридагилари 2-3 жуфт баргчали.

Оила – *Elaeagnaceae*-Жийдадошлар

Туркум - *Elaeagnus*-Жийда

Тур – *Elaeagnus ougusti*-Ингичкабарг жийда

Бу оила 3 та туркумга мансуб 40 га яқин турни ўз ичига олади. Улар шимолий ярим шарнинг субтропик ва мўтадил иқлимли ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистонда 2 тукумга оид 5 тури ўсади. 1 та тури Австралиягача боради. Улар бута ва дарахтлардан иборат.

*Elaeagnus ougusti*-Ингичкабарг жийда доривор ва истемол қилинадиган ўсимлик сифатида жуда қадирланади.

Халқ табobatiда ич кетар, энтерит ялиғланишига қарши восита сифатида шунингдек ўсмалар, бавосил махалида кенг ишлатилади.

*Elaeagnus*-Жийда гуллари икки жинсли, гулқўрғони қўнғироқсимон, 4 бўлакли. Данаги 8 изли (арчали) меваси унга ўхшаш курук.

Тур- *Elaeagnus orietalis*-Шарқ жийдаси.

Дарахт бўйи 3м. Барглари чўзиқ тухумсимон ёки чўзиқ-ханжарсимон узунлиги 15-5 см эни 7-20 мм. Маданий ўсимлик.

Оила – *Ariaceae* –Зирадошлар

Туркум – *Bunium* L - Зира

Тур – *Bunium intermedium* - Ўрта бўй зира

Зирадошларга мансуб оила ўтсимон айримлари бута шаклида барглари қатор тартибли кўпчиликники чуқур қирқма.гуллари майда оқ кўкиш сариқ ёки оқ қизил бўлиб мураккаб соябонларга йиғилган. 3000 тури 250 та туркум. Бу ўсимликлар таркидида мева барг ва баргларида эфир мой бор. Кашнич, сабзи , зира, сумбул, чайир, шивит, наврак таркибида эфир мойи бўлган арпабодиён қора зира, кашнич каби турлари тиббиётда парфюмерия ва озиқ овқат саноатларида ишлатилади. Унинг зангпоя каби захарли турлари бор.

*Bunium* L- оддий зира 3060 см борадиган кўп йиллик ўт, ўсимлик. Шарсимон шаклда туганаги бўлади.

Пастки барглари йирик, устки барглари майда бўлиб бўлакларга бўлинган гуллари оқ 5-8 см катталиқда бўладиган мураккаб соя барг ҳосил қилади. Мевалари тухумсимон ёки думалоқ шаклда узунлиги 3-4см келадиган қўнғир рангли кучи пала чаноқ. Июньда гуллайди, июлда мева тугади.

Тоғ этакларида унча баланд бўлмаган тоғларда учрайди. Ўрта осие жумхуриятларида кенг тарқалган. Халқ табобатида уруғлари ишлатилади. Зира меваларида 2,75-3,0 % эфир мойи бор. 20% ёғли мой 15 % оксилли моддалар ва бошқа бирикмалар бор.

*Bunium intermedium* К - Ўрта бўй зира – кўп йиллик ўт. Тугунаги шарсимон. Япроқлари учбурчакли, патсимон қирқилган. Май июл ойларида гуллаб уруғлайди. Майин тупроқли тоғ ён бағирларидасоя салқин ерларда ўсади.

Бўйи 50-70 см. Поядаги барглар синганга ўхшаб пастга букилган. Соябонлари 10-16 нурли соябончалари 20-25 гулли.

Туркум –*Dancus*-Сабзи

Тур –*Dancus carota*- Ёввойи сабзи

Икки йиллик ўт. Бўйи 1 м. Илдизи урчуқсимон. Пояси думалоқ. Баргларининг усти туксиз, ости дағал тукли. Япроқлари 2 марта патсимон кесилган. Соябонлари кўп нурли, соябончалари 15-20 гулли. Гуллари сарғиш. Май- июль ойларида гуллаб уруғлайди. Соя-салқин ерларда ўсади. Суғориладиган ерларда бегона ўт сифатида учрайди.

Оила – *Asteraceae*- Қоқиўтдошлар

Туркум – *Arctium* L- Қариқиз

Тур – *Arctium liospermum* Juss– Яланғочуруғли қариқиз

Asteraceal- Бу оила энг катта оила бўлиб 13000га яқин туркумга мансуб 25000 тур киради. Ўзбекистонда 121 туркумга оид 566 тур ўсади. Хаётий шаклига кўра оилада бир ва кўп йиллик ўтлар устунлик қилади. Дарахт, бута ва лианалар нихоятда кам учрайди. Гуллари саватчаларда ўрнашган.

Arctium L- Қариқиз далаларда, уй атрофида ариқ бўйларида ва бошқа ерларда ўсади.

Қариқиз бир йиллик, бўйи 60-100 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси қиррали, тукли, юқори қисми шохланган. Барги йирик, тухумсимон ёки кенг тухумсимон, бироз ўйилган, тишсимон қиррали, тукли бўлиб, банди ёрдамида пояда кетма кет жойлашган. Гуллари саватчага тўпланган. Меваситескари тухумсимон, учмали писта.

Июль- август ойларида гуллайди, август сентябрда пишади.

Қариқиз таркибида инулин, эфир мойи, орктеин гликозиди, фलोноидлар, смола, аччиқ, ошловчи ва бошқа моддалар, уруғчида эса ёғ сесевинтерпен лакмонлари бор.

Халқ табобатида илдиз дамламаси, қайнатмаси ёки настройкаси меда яраси, ичдан қон кетиш, сурункали гастрит, буйрак-тош касаллиги, бод, подагра, касалликларини даволашда ҳамда сийдик хайдовчи ва терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

Arctium liospermum Juss– Яланғочуруғли қариқиз. Бир йиллик ўт. Бўйи 60-150 см.

Пояси тик, ола – була қиррали, хира қизғиш субарг. Барглари йирик бандли усти яшил усти кул ранг момик тукли. Илдиз олди баргларининг бўйи ва эни 50 см гача юраксимон. Ўрама барглари учи бигизсимон тўқ қизил гулли, найсимон, икки жинсли. Июл- сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Ташландиқ ерларда йўл ёқаларида ўсади.

Туркум – Taraxakum- Қоқи ўт

Тур – Taraxakum officinalis -Доривор қоқи момоқаймоқ

Қоқи йўл ёқаларида ариқ бўйларида боғларда далаларда тоғли жойларда ва аҳоли яшайдиган ерларда ўсади.

Қоқи кўп йиллик сут ширали ўт ўсимлик. Баргининг ҳаммаси илдиз олди тўп бېргдан ташкил топган. Барг пластинкаси ланцетсимон патсимон кесик бўлиб асос қисмига томон торайиб боради. Гул ўқи туксиз, ичи қавак, цилиндрсимон, узунлиги 15-30см. Гуллари тилла сариқ ранг, саватчага тўпланган. Меваси учмали писта.

Апрель ойидан бошлаб июл ойигача гуллайди ва меваси пишади.

*Taraxacum officinalis* -Доривор қоқи момоқаймоқ – кўп йиллик ўт. Барглари ер бағирлаб ёки кўтарилиб ўсади. Узунлиги 10-25 см эни 3-5 см патсимон қирқилган, ён бўлаклари кенг, ёки ингичка учбурчакли.

Ўрама баргларининг ташқи қавватдагилари кенг-таштарсимондан, тухумсимонгача пстга қараб эгилмаган.

Оила – *Solanaceae* - Ит узумдошлар

Туркум –*Datura L* - Бангидевона

Тур –*Datura stramonium L* – Оддий бангидевона

*Solanaceae* - Ит узумдошлар оиласига 85 авлод 2300 тури тарқалган. Ўзбекистонда 7 та авлод 25 тури ўсади. Оила вақллари кўп йиллик ўт ва айрим буталардан иборат. Барглари оддий бутун қиррали ёки қирқилгқн ён баргчалари бўлмайдилар. Барглари пояга кетма кет баъзан қарама қарши жойлашган. Гуллари якка якка антиноморф ва бироз зигоморф ўрнашган гултожи ва гултожи барглари 5 та баргчага бирикиб ўсган. Чангчилари 5 та, 1 та уруғчиси, 2 та мева баргчасидан ҳосил бўлган. Тугунчаси устки меваси резавор ёки кўсакча. Бу оиланинг вақллари турли алколоидларга бой.

Бангидевона йўл ёқаларида, сув бўйларида, аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда ҳамда бегона ўт сифатида экинзорларда, боғларда ва бошқа жойларда ўсади.

Бангидевона бир йиллик, бўйи 100-120 см етадиган ёқимсиз хидли ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, айрисимон шохланган. Барги йирик, чўзиқ, тухумсимон йирик тишсимон қиррали, пояда банди билан кетма кет жойлашган. Гули оқ, ёқимсиз хидли, йирик, варанкасимон шаклда. Меваси тухумсимон, қаттиқ ва йўғон тиканлари билан қопланган чанок.

Июн август ойларида гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади.

Ўсимликнинг ҳамма қисми захарли.

Абу Али Ибн Сино бангидевона ўсимлиги баргини кўз касаллигини ва йўтални даволашда ишлатилган дориларга қўшиб тайёрланган.

Халқ табобатида бангидевонанинг барги асаб касалликларда тинчлантирувчи ревматизм, нафас қисиши, тиш, кўкрак ҳамда бел оғриганда оғриқ қолдирувчи ва ухлатувчи дори сифатида ишлатилади.

Оила – Convolvulaceae-Печакдошлар

Туркум – Convolvulus-Печак

Тур – Convolvulus arvensis- Дала печаги

Бу оилага 50га яқин туркумга мансуб 1500 тур киради. Асосан тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган. Ўзбекистонда эса 6 турга мансуб 22 та тури учрайди. Мазкур оиланинг вақллари бута, чала бута, ўт ўсимликлар бўлиб, баъзиларининг поялари ўралиб ўсади. Барглари оддий, бутун қиррали, баъзан ўйилган ёки патсимон қирқилгчн ва кетма кетжойлашган. Гуллари асосан яқка ўрнашган, баъзан диҳазий тўпгулини ташкил этган.

Гуллари икки жинсли, актиморф. Гукоса барглари 5 та, эркин ёки бирикиб ўсган. Гултожибарглари 5 та бўлиб, варонкасимон бирикиб ўсган. Чангчиларига ҳам 5 та битта уруғчиси 2та мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган, тугунчаси устки. Меваси кўсакча.

*Convolvulus*-Печак. Бошқа ўсимликка илашиб ёки чирмашиб ўсади. Барглари ёйсимон ёки найзасимон.

*Convolvulus arvensis*- Дала печаги. Кўп йиллик ўт. Бўйи 40-100 см. Гуллари 1-2 тадан бўлиб барг қўлтиғидан чиққан гулбандга ўрнашган, оқ ёки оқиш пушти. Кўсакча кенг тухумсимон. Июнь-октябр ойларида гуллаб уруғлайди. Экинлар орасида ўсадиган бегона ўт.

Илашиб ёки чирмашиб ўсмайди.

Гулкосабаргларининг учи кескин ўткирлашган. Гултожбаргларининг учи ўтмас ёки улар пастданучига томон секин- аста ўткирлашиб боради. Туклар ўсимлик танасига зич ёпишган. Гулкосалари туксиз. Косачаси тескари чўзиқ-тухумсимон.

Оила – *Plantaginaceae* - Зуртурумдошлар

Туркум – *Plantago*-Зуртурум

Тур – *Plantago major*-Йирикбарг зуртурум

Зуртурум турлари Ўрта Осиёла кенг тарқалган бўлиб, далаларда, йўл ёқаларида, экинзорларда, ўтлоқларда ариқ ва дарё бўйларида боғларда, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган ялангликларда ҳамда бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

Зуртурум турлари таркибида аукубин глинози, аччиқ, шиллик ва ошловчи моддалар витамин С ва К, каротин, сапонинлар, органик кислоталар, фантор Т, оз миқдордр алколоидлар ва бошқа бирикмалар бор.

Абу Али Ибн Сино зупрум барги билан қийин битадиган ва хавли яраларни шишларни, жигар буйрак, кўз ялиғланиши касалликларини даволаган ҳамда қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган. Зуртурум уруғини яна жигар буйрак касалликларига даво қилган. Шу мақсадда барг ширасини беморга клизма қилган ёки уруғ қайнатмасини ичирган. Қон тупурганида ҳам уруғ қайнатмасини ичишни буюрган.

Халқ табобатида баргдан тайёрлаган дамлама ёки барг шираси нафас йўллари тери ва томоқ, кўз, йўғон ичак ялиғланиши сўзак, безгак, турли яралар, куйдирги ва ичакнинг юқумли касалликларини, даволашда, шунингдек қон оқшини тўхтатиш учун ишлатилади.

Оила – Lamiaceae-Ялпиздошлар

Туркум – Mentha-Ялпиз

Тур – Mentha arvensis-Дала ялпиз

Бу оилага 200 туркум 3500 тур киради. Ўзбекистонда 38 туркумга оид 214 тури ўсади. Оила вакилларининг пояси 4 қиррали барглари оддий пояда қарама қарши жойлашган гултожибарглари 2 лабли устки лаби 2та осткиси 3 та гултожибаргдан иборат чангчилари 4та баъзан 2 та уруғчиси 2 та мевабаргли меваси ёнғоқча.

Mentha-Ялпиз. Туркуми ялпиз Ўзбекистонда 45 тури ўсади ялпиз таркибида эфир мойлари мавжуд бўлиб унинг 41-65% ментал ташкил этади. Ментал тиббиётида атир- у па тайёрлашда озиқ овқат саноатида ишлатилади. Ялпиз тиш оғриғини қолдириш бош оғриғини даволаш кўп қисми ўт хайдовчи қорин оғриғини даволовчи восита сифатида ишлатилади.

Ялпиз турлари хушбўй, кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тўрт қиррали, тик ўсувчи, шохланган ва туклар билан қопланган. Барги ланцетсимон ёки чўзиқ аррасимон қиррасли, ўткир учли, бандсиз ёки қисқа баргли пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари поя ичида, ҳалқасимон, тўп гулни ташкил этган. Меваси тухумсимон силлиқ, тўртта ёнғоқча.

Абу Али Ибн Сино ялпиз турларини овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, гужжа хайдовчи қон тўхтатувчи ва қусишга қарши таъсир этувчи дори сифатида ишлатган.

Халқ табобатида ялпиз турларидан тайёрланган қайнатма ёки қуритилмаган баргдан олинган шира истисқо, қўмир, бод, меъдда, сориқ,

кўкрак оғриқ, ширинча, йўтални ва бошқа касалликларни даволашда ҳамда чанқов босувчи, балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади.

Туркум – *Leonurus*- Арслонқулоқ

Тур – *Leonurus turkistanica*-туркистон арслонқулоғи

Арслонқулоқ Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Сурхандарё вилоятининг тоғли худудларида учрайди. У асосан тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган тош тупроқ аралаш қияларда ўсади. Арслонқулоқ кўп йиллик, бўйи 40-150 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси 4 қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Барги кенг тухумсимон-думалоқ бўлакчалари, ромбсимон бўлиб пояда банди билан қарама-қарши жойлашган.

Оила – *Poaceae* - Буғдойдошлар

Туркум – *Hordeum* – Арпа

Тур - *Hordeum bulbosum* – Пиёзли арпа

Буғдойдошлар оиласи. Бу оила ўз ичига 700 туркум ва 8000-1000 турни олади. Бу оила вакиллари кўп йиллик, бир йиллик, икки ёки кўп йиллик ўт, баъзан бутасимон ёки дарахтсимон ўсимликдир. Ўзбекистонда эса 91 туркум ва 270 тури учрайди. Илдизи попуksимон. Пояларида бўғимлари бўртган бўлади.

Бўғим оралиғининг ичи бўш, яъни цилиндр симон. Шунинг учун буғдойдошларининг поялари “сомон поя” деилади.

*Hordeum Torn* – Арпа. Бир йиллик ўт. Кўп йиллик ўт. Поясининг туби пиёзсимон.

*Hordeum bulbosum Torn* – Пиёзли арпа кўп йиллик ўт. Бўйи 50-150 см. Бошоғи 6-10 см, эни 6-7 мм, қалами мўрт. Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғ ёнбағрлари, воҳалардаги ғалла экинлари орасида ўсади.

Туркум - Bromus – Ялтирбош

Тур - Bromus danhonea - Данакли ялтирбош, тароқбош

Бир йиллик ўт. Бўйи 15-20 см. Пояси туксиз, барглари қалами, ясси, қисқа тукли. Балоқлари 4 см гача 6-16 гулли. Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл, адир ва тоғ зоналари, боғ ва дарё бўйларида ўсади.

Остки гул қипиғи бир қилтақли; айрим ҳолларда бошоқчали, юқорисида жойлашган гулларда осий гул қипиғи 3 хил типли бўлиши мумкин.

Ровакнинг шохлари блшоқчалардан бирмунча узоқроқ.

Ровакнинг шохлари бошоқчалардан (қилтиқ билан қўшиб ҳисобланганда) калтароқ.

**Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи  
атрофида тарқалган ўсимликларнинг  
халқ хўжалигидаги аҳамияти.**

Инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Барчага маълумки наботот олами инсонни тўйдиради, кийинтиради, ҳавони поклаб беради, сўлим гўшалар яратади, тупроқни эрозиядан сақлаб, намлиу\кни ушлаб туради, ҳарорат беради.

Ўсимликлар инсон учун фақат озиқ-овқатгина бўлиб қолмайгина балки ундан қурилиш материали, ниҳоятда ҳилма-хим дори дармон, саноат учун эса хом-ашё сифатида ва кийим кечак сифатида фойдаланилади.

Ўсимликлар дунёси табиат бойликларидан бири ҳисобланади. Маълумки шифобахш ўсимликларнинг ҳосияти қадим замонлардан билишган ва улардан турли касалликларни даволаш учун фойдаланилган. Ўтмишнинг улуғ олимлари Абу Али Ибн Сино, Абу-Бокр Ар-Розий, Беруний беъморларни доривор ўсимликлар билан даволаганлар. Қамаши тумани

Мирзадала қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрни нихоятда каттадир. Шулардан келиб чиқиб Қамаш тумани Мирза дала қишлоғида тарқалган зиркдошлар, шиннилулдошлар, толдошлар, карамдошлар, тутдошлар, жийдадошлар, зирадошлар, ялпиздошлар оиласига мансуб туркум, турлари нихоятда катта ахамиятга эгадир. Бу туманда тарқалган ўсимликларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тутдошлар оиласи. Moraceae – Ўрта Осиё табобатида тут қонни тозалайдиган ва кўпайтирадигин неъмат ҳисобланади.

Тарондошлар – Polygonaceae оиласига мансуб. Равоч - Rheum илдизи тери ошлашда ишлатилади шунингдек равоч илдизи табобатда яллиғланиш касалликларида ишлатилади.

Далачойдошлар – Hypericaceae оиласига мансуб далачой – Hypericum. Далачой ўти ҳам шифобахш хусусиятга эга. Далачой таркибида эфир мойлари антиякцидантилар, кароцин, салмоқли миқдорда витамин С, микроэлементлар бор.

Раънодошлар оиласига мансуб ўсимликлардан наматак – Rosa, дўлана – Crataegus каби ўсимликлар халқ табобатида ҳам дориқор ҳамда манзарали ўсимлик сифатида жуда қадирланади.

Шунингдек зирадошлар оиласига мансуб зира – Berberis нихоятда катта ахамиятга эга ўсимликлардир.

Ялпиздошлар оиласига мансуб ўсимликлардан ялпиз - Mentha Эфир мойларига бой озиқ-овқат ҳамда дориқор ўсимлик ҳисобланади.

Қоқиўтдоўлар оиласига мансуб қоқиўт – Taraxacum илдизида инулин тўпланади. Барглари витаминларга бой сабзавот сифатида ҳам ишлатилади.

## Хулоса

Қамаши тумани Мирзадала қишлоғи атрофи флорасини ўрганиш натижасида биз қуйидаги хулосага келдик.

1. Кузатишимиз натижасида ўсимликларнинг 42 та тури гербарий нусхалари тўпланди. Уларнинг оила, тур, туркумлари аниқланди.
2. Ўрганилган ўсимликлардан 28 та оила, 39 туркум, 42 тур ўсимликлар аниқланди.
3. Аниқланган ўсимликлар ҳаёт шаклларига ажратилди, уралдан 13 та дарахт, 4 та бута бир йиллик 9 та, кўп йиллик 15 та икки йиллик иккита.
4. Ўрганилган ўсимликлар фойдаланиш томонидан ажратилиб манзарали 9 та, озиқ-овқат, ем-хашак 15 та, доривор 10 та ўсимликлар эканлиги аниқланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахунов Х.М. Апридилител деревев и кусталников горных района Узбекистана. Тошкент 1990 г. 87 с.
2. Буригин В.А., Жогерозов Ф.Х. Ботаника “Ўқитувчи” Тошкент 1997 й. 351 б.
3. Бачанцев В.П. “Флолра Узбекистана”. Изд “Фан”. Тошкент 1953 г. 400 с.
4. Буш Н.А. Систематика высших растений. Учпедгиз. Москва 1959 г. 534 с.
5. Бавтуто Г.А., Еремина В.К., Жигар М.П. Атлас по анатомии растений Учеб.пособие для вузов. Минск. “Ураджай”, 2001. – 146 с.
6. Жуковский П.М. ботаника Изд “Вышая школа” Масква 1982 г. 279-667 с.
7. Емневский А.Г, Саловьева М.П, Тихомиров В.Н. ботаника систематика выших, или наземных растений. Академа Масква 2001 г. 429 с.
8. Зокиров Қ.З, Жмалханов Х.А Ўзбек ботаник терминологияси масалалари. “Фан” Тошкент 1996 й. 43 б.
9. Зокиров Қ.З, Набиев М.М, Пратов Ў.П, Жамилханов Х.А. Русча-ўзбекча ботаника терминалларининг қисқача изохли луғати. Ўз.ФА нашр. Тошкент 1963 й. 153 б.
10. Зоҳидов Х. Шифо хазинаси 11к “Янги аср авлоди” . 2002 й. 176 б.
11. Курсанов Л.И, Комарницкий Н.А, Мейер К.И, Раздорский Ф.А, Уранов А.А. Ботаника 2 том. Ўзб. Рес. Ўрта ва Осиё мактаб давл. Нашр. Тошкент 1963 й. 513б.
12. Махмудов А, Тоғалов И. Юксак ўсимликлар бўйича амалий машғулотлар. “Университет” Тошкент 1994 й. 85 б.
13. Набиев М.М. Ботаника атласи луғати. “Фан” Тошкент 1969 й. 253 б.
14. Набиев М. Сабзавод резавор мевалар зиравор хусусияти. “Меҳнат” Тошкент 1990 й. 160 б.
15. Определитель разний Средней Азии. Изд “Фан” Т II Тошкент 1971 й. 36 б.

16. Определитель растений Средней Азии. Изд “Фан”. Т VI. Тошкент 1993 й. 692 б.
17. Определитель растений Средней Азии. Изд “Фан”. Т VII. Тошкент 1983 й. 414 б.
18. Пратов Ў.П, Жумаев К. Ўзбекистон юксак ўсимликларнинг замонавий тизими. “Ўқитувчи” Тошкент 2007 й. 62 б.
19. Пратов Ў.П, Набиев М.М. Ўзбекистон юксак ўсимликларнинг замонавий тизими “Ўқитувчи” Тошкент 2007 й. 62 б.
20. Хамидов А, Набиев М, Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлар аниқлагичи. “Ўқитувчи” Тошкент 1987 й. 327 б.
21. Яковлев Г.П. Ботаника. Москва 2001 г. 647 с.